

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди

№ MO R-205

2019 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва

ўрта маҳсус таълим вазирининг

2019 йил “2” ноябр даги

1023 - сонли буйруғи билан

тасдиқланган

“Ўзбек тили филологияси: ўзбек тилшунослиги”  
йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини кайта  
тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК  
МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА  
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШИ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий  
ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимни ўнванишлари бўйича ўқув-услубий  
дирижамалар фаолиятини Мувоғиқашитирувчи кенгашининг  
2019 йил 18.10. даги 5 -сонли баённомаси билан  
маъқулланган.*

- Тузувчилар: “Ўзбекистонинг миллӣ тикланишдан миллӣ юксалиш боскичидаги  
олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф.  
И.Саинизаров, ф.ф.д., проф. М.Қаххорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.  
“Таълим-тарбия жараёйларини ташкил этишини норматив-хукукий  
хужжатлари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топизаде, ю.ф.н., доц. Х.Тўйчиева,  
доц. в.б. А. Рахмонов.  
“Педагогининг инновацион фаолиятини ривожлантириш” модули: п.ф.д.,  
проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирзолиева, п.ф.ф.д. Г.Ибрагимова, катта  
ўқитувчичи Р.Ишимхамедов, А.Тураев, М.Матназарова, Н.Хакназарова,  
М.Инназаров, Д.Кушарбаев.  
“Электрон педагогики асослари ва педагогиниг шахсий, касбий ахборот  
майдонини тақомилантириш” модули: п.ф.д., проф. Ф. Зокирова,  
о.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.ф.д. (PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар  
Л.Обидов, И.Чориев, А.Хонимов, Г.Отамуродов.  
“Амалий хорижий тилини ўрганишининг интенсив усуслари” модули:  
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, Ш.Файзулаева,  
У.Ляисова.  
“Гавзим жарабаини бошқаришда тизимли таҳдил ва карор қабул  
килишини замонавий технологиялари” модули: т.ф.д., проф.  
А.Юлданов, п.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.  
Малхус фанлар бўйича:  
п.ф.д., проф. Н.М.Этамбердиева, ф.ф.н. Н.Абдурахмонова, ф.ф.д., проф.  
Ў.Боятабов, ф.ф.д., проф. Б.Менглиев, ф.ф.д., проф. Д.Лугфуллаева, ф.ф.н.  
Д.Худойберганова, ф.ф.д. Ё.Одилов
- Такризчилар: п.ф.ф.д. (PhD) В.В Нам Пучон университети (Ўзбекистон)  
(PhD). К.Робинсон Техас университети (АКШ)  
ф.ф.д. И.М.Азимов Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти  
университети

Ўқув дастури Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг қарори  
билан тасдиқка тавсия қилинган (2019 йил 30.10. даги 2 -сонли баённома).

## КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасалариниң раҳбар ва педагог кадрлариниң кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли карорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг қасб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўнникмаларини такомиллаштиришни максад киласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларниң тайёргарлигига кўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш боскичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хукукий хужжатлари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва карор қабул килиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқикотлар, ўкув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоги, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини кўллаш бўйича тегишли билим, кўнникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Кайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқкан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўнникма, малака ҳамда компетенцияларига кўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Кайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури куйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари.**

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишидан миллий юкалиш боскичида олий таълим вазифалари

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий хужжатлари

## **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.**

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириши.

2.2. Педагогик квалиметрия.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаши.**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш. ✓

3.2. Компьютер лингвистикаси асослари.

## **IV. Амалий хорижий тил.**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари.**

5.1. Таълим жараённини бошқаришида тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Филологик тадқикотларда тизимли таҳлил.

## **VI. Махсус фанлар.**

6.1. Ўзбек тилшунослигининг назарий-методологик муаммолари.

6.2. Тил тизимини антропоцентрик тадқиқ этиш тамойиллари.

6.3. Ассоциатив тилшунослик.

6.4. Семасиологиянинг долзарб муаммолари.

## **VII. Малакавий аттестация.**

## **Курснинг максади ва вазифалари**

Одни таълим муасасалари педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **максади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўкув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойихалаштириш, соҳадаги илгор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишилари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

**Курснинг вазифаларига кўйидагилар киради:**

“Ўзбек тили филологияси: ўзбек тилшунослиги” йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларни такомиллаштириш ва ривожлантириш;

педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбик этилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Ўзбек тили филологияси: ўзбек тилшунослиги” йўналишида кайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

## **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари хамда компетенцияларига кўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-хуқукий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва карор кабул килиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги хамда компетентлигига кўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар кўйидаги янги билим, кўникма, малака хамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- ўзбек тилига тизим сифатида ёндашган холда тилшуносликнинг методологик масалаларини;
- дунё тилшунослигига антропоцентрик парадигмаларнинг шаклланиш тамоийларини;
- тилга ассоциатив ёндашувнинг моҳияти ва унинг шаклланиш тарихини;
- ассоциатив тилшуносликнинг шаклланиши боскичларини;

- ўзбек тилида лексик энантиосемия, энантиосемант, энантионим, конроним, псевдоантоним, омоантонимларнинг тузилиши ва унинг ўзига хосликларини;

- энантиосемия ходисасининг лингвистик мөхияти ва тилда акс этувчи энантиосемик маъноларини **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- миллий ёндашув асосида тилшунослик ва тил таълимидағи ўзига хосликларни фарқлай олиш;

- ассоциатив тажриба натижаларини лингвистик ва статистик таҳлил кила олиш;

- ўзбек тилида лексик энантиосемиянинг турлари ва уларни нутқла намоён бўлишининг ўзига хосликларни фарқлай олиш;

- энантиосемиянинг антифразис, ирония, эвфемия, дисфемиядан фарқлай олиш **қўшикмаларига** эга бўлиши керак.

**Тингловчи:**

- ўзбек тилидаги матиларда шахс руҳий холатининг ифодаланишини таҳлил кила олиш;

- матиннинг когнитив – семантик ҳусусиятлари ва макропропозицияни киёслай олиш;

- бадиий матн яратишда ассоциатив майдон, ядро ва чегара қисмларнинг ўзаро муносабатларига хос равишда фойдалана олиш;

- ўзбек тилида лексик энантиосемиянинг турлари ва уларни нутқла намоён бўлишининг ўзига хосликларни фарқлай олиш **малакаларини** эгаллаши зарур.

**Тингловчи:**

- ўзбек тилида вербал ассоциацияларни лингвистик белги асосида таснифлаш;

- ассоциатив тажриба натижаларини лингвистик ва статистик таҳлил кила олиш;

- бадиий матнни психолингвистик таҳлил кила олиш;

- тиллараро энантоsemик таҳлил килиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

**Курс хажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат хажми ишдан ажралмаган мустакил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўгридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган холда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир хафтадаги ўкув юкламасининг энг юкори хажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

# **“ЎЗБЕК ТИЛИ ФИЛОЛОГИЯСИ: ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ” ЙÙНАЛИШИ БҮЙЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎКУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

## **I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ХУҚУКИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юкеалиш боскичида олий таълим вазифалари.**

Ўзбекистон мустакил демократик тараккиётининг миллий тикланиш боскичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустакил демократик тараккиёт йўли. Миллий тикланиш боскичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустакил демократик тараккиёт йўлида эришилган ютуклар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характеристири. Ўзбекистон тараккиётининг миллий юкеалиш боскичида харакатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқка хизмат килсин” гояси. Халқ кабулхоналари ва виртуал кабулхоналар хамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислохотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясинин 72-Сессиясидаги нуткунинг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислохотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим. Халқ таълим ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Маҷлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурый асоси. Талабалар ўртасида миллий мустакиллик ғоялари асосида маъниавий-ахлокий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёнлар, оила, махалла, дин ва хотин-кизлар масалаларига онд давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-кизларга нисбатан камситишининг ҳар кандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ти Конвенцияси. Халқаро нормалар ва хуқукий стандартларга мувофик

аёлларнинг хукукларини таъминлашда Хотин-кизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вактларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташабbusи.

## 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хукукий хужжатлари.

Жамиятда ижтимоий муносабатларни хукукий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришининг хукукий асослари. Олий ва урта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ килиш ҳамда олий ва ўрга маҳсус таълим тизимиға бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид конун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга карши курашнинг хукукий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга карши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга карши курашишнинг хукукий ва маънавий-маърифий асослари. Халкаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халкаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация килаган Халкаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўкув юртлари профессор-Ўқитувчиларининг инсон хукуклари. Гендер муаммолари ва ўкув жараённида гендер-дифференцияланган хулк-атворининг таъсирини хисобга олиш масалалари.

Конуности хужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимиға оид қабул килаган фармонлари, карорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Олий таълим тизимиға тегишли норматив-хукукий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хукукий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари. Кадрлар тайёрлари тегишли таълим (ихтиос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти. Ўкув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўкув режалари ва ўкув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўкув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат килиш методлари. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат килиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хукукий хужжатларни кўllaш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг конун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

## **II. ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАХОРАТ**

### **2.1. Педагогининг инновацион фаолиятини ривожлантириш.**

Педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни катнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илғор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўқув машгулотларининг ҳар хил турларини ўtkазиш методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустакил ишларини ташкил этиш. Иктидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг мухим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойихавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустакил ўзини-ӯзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

### **2.2. Педагогик квалиметрия.**

Педагогик квалиметриянинг максади, вазифалари ва муаммолари. Квалиметрия фани ҳакида тушунча, ривожланиш тарихи, фан тармоклари, педагогик квалиметрия фанининг максади ва вазифалари. педагогик квалиметрия илмий-тадқиқот методлари.

Ностандарт тест-педагогик квалиметрия назорат ва баҳолаш технологияси сифатида. Халкаро баҳолаш дастурлари (TIMMS, PISA). Тестларнинг таърифи, таснифи, методологик асослари. Талабаларларнинг ўзлаштирган билим, кўнікма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг назоратида кийинчилик даражаси турлича бўлган адаптив тест топширикларидан фойдаланиш йўллари. Халкаро баҳолаш дастурлари (TIMMS, PISA) ҳакида умумий тушунчалар.

Профессор-ўқитувчиларнинг замонавий модели ва квалиметрик диагностикаси. Педагогик жараённинг модели ва квалиметрик диагностикаси. Халкаро баҳолаш дастури мезонлари асосида тест топширикларнинг турлари ва уларнинг тавсифи. Тест топширигининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига кўйиладиган талаблар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий тест топширикларини тузиш.

### **III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

#### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириши.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришининг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида фойдаланиш. Булатли технологиялар. Google булатли хизматларидан фойдаланган холда ўкув жараёнини ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик ластурйи воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошк.) дан фойдаланиб мультимедиали ўкув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

#### **3.2. Компьютер лингвистикаси асослари.**

Компьютер лингвистикасининг шаклланиши ва ривожланиши. “Компьютер лингвистикаси ва NLP (Natural language processing)”да табиий тилни кайта ишлаш. Компьютер лингвистикасининг назарий ва амалий масалалари. Компьютер лексикографияси: тезаурус, онтология, корпус. Компьютер лексикографиясида маълумотлар базаси. Тезаурус ва онтология тушунчалари. Корпус лингвистикаси. Табиий тил технологияси. Компьютер морфологияси, синтактик парсинг. Формал тил назарияси. Морфологик тахлил килишнинг автоматик тизими. Синтактик парсинг тушунчаси.

### **IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ**

#### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – B1, B2). Маданиятлараро мулокот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳакида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил қўнималарини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойихалаштириш. Илмий тадқикотларга йўналтирилган тил қўнималарини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулокот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил қўнималари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий хаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳакида, мамлакатимизнинг машхур инсонлари тўғрисида кискача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий аҳборот воситалари, маданий хордик, телефонда сухбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза килиш, давринг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил килиш.

## **V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

### **5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишининг замонавий технологиялари.**

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, максад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўкув фанлари мазмунни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалаврият ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; калрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини хисобга олган холда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; калрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иктидорли талабаларни кидириб топиш, ташлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усууллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усууллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга кўйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш боқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

### **5.2. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил.**

Тушунча ва тамойиллар тизими. Тизимли таҳлилнинг тизимли ёндашувдан фарқли жиҳатлари. Аникланмаганлик шароитида мубокил қарор қабул қилиш тизимли услуга асоси сифатида. Тадқиқот обьектини яхлит тушуниш ва тизимли таҳлилни ташкил этиш. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил методикаси. Филологик тадқиқотларда тизимлилик. Структура ва тизим. Таҳлил жараёнининг тизимли характеристи. Тизимли таҳлилнинг терминологик асослари ва йўналишлари. Тизимли таҳлилда филологик терминлар идентификацияси. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш боқичлари. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Бадиий матнга тизимли ёндашув. Таҳлил жараёнларининг кетма-кетлиги ва яхлитлиги. Адабиётшуносликка доир тадқиқотларда тизимли таҳлил тамойиллари. Тилшунослик тизими ва

бадиий матн тузилмаси. Тизимли тахлилда услугуб ва тизимлилик. Тизимли тахлилда миқдорийлик ва сифат, уларнинг нисбати ва бирлиги.

## VI. МАХСУС ФАНЛАР

### 6.1. Ўзбек тилшунослигининг назарий-методологик муаммолари.

Тилшуносликла методология масаласи. Ўзбек тилига тизим сифатида ёндашган ҳолда тилшуносликнинг методологик масалалари. Тизим (система, порадигма)нинг уйдирмалиги ва унга нисбатан индивидуал карашларнинг ижтимоий стереотиплашуви. Системанинг мавхумлиги ва унинг талкинида ишонтириш тамойилининг устуворлиги. Ривожланиш тушунчаси ва тил тараккиёти. Миллый мағкура ва миллый тил. Миллый ёндашув асосида тилшунослик ва тил таълимидаги ўзига хосликлари. Миллый тилшунослик ва тил таълими. Тил ва тафаккур диалектикасига миллый ёндашув асослари. Концепт, тушунча, сўз. Роман-герман тилларининг Ўзбекситондаги хозирги холати.

### 6.2. Тил тизимини антропоцентрик тадқик этиш тамойиллари.

Тил тизимини антропоцентрик тадқик этиш муаммолари. Дунё тилшунослигига антропоцентрик парадигманинг шаклланиши. Бадиий матнни психолингвистик тахлил килиш асослари. Психолингвистиканинг шаклланиши, ўрганиш обьекти, назарий масалалари. Лингвокультурологиянинг шаклланиши, ривожланиш боскичлари. Лингвомаданий бирликлар (ұхшатишлар, турғун иборалар). Матннинг лингвомаданий тадқики. Прецедент бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари. Матннинг когнитив – семантик хусусиятлари ва макропропозицияни киёслаш. Когнитив метафоралар. Ўзбек тилидаги матнларда шахс рухий холатининг ифодаланиши. Лингвомаданий бирликлар тахлили. Метафораларнинг матн яратилишидаги роли. Прецедент бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни Бадиий матнни психолингвистик тахлил кила олиш.

### 6.3. Ассоциатив тилшунослик.

Тилга ассоциатив ёндашувнинг моҳияти ва унинг шаклланиш тарихи. Ассоциатив тилшуносликнинг шаклланиши боскичлари. Ассоциатив муносабат, вербал ассоциацияларнинг хосил бўлиши, лингвистик моҳияти. Вербал ассоциациялар таснифи. Ўзбек тилида вербал ассоциацияларнинг лингвистик белги асосидаги таснифи. Ассоциатив майдон назарияси. Бадиий матннинг ассоциатив майдони. Бадиий матн яратишда ассоциатив майдон, ядро ва чегара кисмларнинг ўзаро муносабатларига хос равища фойдаланиш. Ассоциатив тажриба методи. Ассоциатив майдон бирликларининг тахлили. Ассоциатив тажриба ўтказиш методикаси. Ассоциатив тажриба натижаларининг лингвистик ва статистик тахлили. Ўзбек тилида вербал ассоциацияларнинг хосил бўлиши.

#### **6.4. Семасиологиянинг долзарб муаммолари.**

Зиддият ва дунёни англаш. Тилда зиддиятнинг ифодаланиши. Энантиосемия – лисоний зиддиятнинг типик кўриниши ва унинг юзага келиш омиллари. Энантиосемия ходисасининг лингвистик моҳияти ва тилда энантиосемик маъноларнинг пайдо бўлиши. Энантиосемия ходисасининг дунё тилшуносигидаги талкини томонидан энантиосемик сўзларни омоним, антоним, полисемантик сўз ва бунинг сабаблари. Ўзбек тилида лексик энантиосемия, энантиосемант, энантионим, көроним, псевдоантоним, омоантонимларнинг тузилиши ва ўзига хослиги. Энантиосемиянинг лексик ва фразеологик бирдиклар оркали ифодаланиши: лисоний ва нуткий, номловчи ва баҳоловчи, тўлик ва кисман энантиосемия турлари хакида. Ўзбек тилида лексик энантиосемиянинг турлари ва уларни нутқла намоён бўлишининг ўзига хосликларни фарқлаш. Ўзбек тилида лексик энантиосемия: синхроник ва диахроник, лингвистик ва паралингвистик, грамматик ва грамматик бўлмаган энантиосемиялар. Фразеологик энантиосемия ва унинг турлари. Энантиосемиянинг нуткий намоён бўлиши. Энантиосемиянинг антифразис, ирония, эвфемия, дисфемиядан фарқли жиҳатлари. Тиллараро энантиосемия.

### **VII. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси қасбий, ўкув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода кайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битириув ишини химоя қилиш асосида ўtkазилади.

#### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича курсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий томшириклар, кейслар, ўкув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлик вазиятли массалалар асосида амалий ишларни бажарагилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган холда ўtkазилади. Бундан ташкири, мустакил холда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, таркатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Мустакил малака оширишини ташкил этиш бўйича курсатма ва тавсиялар**

Мустакил малака ошириши куйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўкув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиши; иктидорли ва истеъдолли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан катнашиш; илмий журналларда маколалар чоп этиши; кўргазма ва танловларда иштирок этиши; илмий лойиҳаларда иштирок этиши; халқаро (импакт-факторли) нашрларда маколалар ёълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик

килиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чикариш; ўкув алабиётлари (дарслик, ўкув кўлланма, методик кўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чикариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун химоя килинган диссертацияга илмий раҳбарлик килиш.

Педагог кадрларнинг мустакил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустакил малака ошириши даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил киладилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурухи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йигилишида мухокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегинили соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва көноз варианлдаги манбаалтардан фойдаланилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Конуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг коидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли карори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли карори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисадиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июнданги ПҚ-3151-сонли карори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли карори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-кизларни кўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июнданги

ПК-3775-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тұғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллый университетида талаң юкори бұлған малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-табдирлари тұғрисида”ги ПК-4358-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга карши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-табдирлари тұғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ұрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-табдирлари тұғрисида»ги ПК-4391-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ұрта маҳсус таълим соҳасыда бошқарувни ислох килиш чора-табдирлари тұғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим мұассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тұғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим мұассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-табдирлари тұғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### III. Маҳсус адабиётлар

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–279 б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.

27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

29. English for academics. Cambridge University Press and British Council

Russia, 2014. Book 1,2.

30. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari. – T.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.
31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.
32. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.
33. G’ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari.– T.: Fan, 2010.
34. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўкув-услубий мажмуя. Basic User/ Breakthrough Level A I/-T.: 2011.
35. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологияк таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011.
36. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинергетикага кириш. –Т.: “Академнашр”, 2013.
37. Нурмонов А. Таңланган асарлар. III жилдлик. I жилд. –Т.: “Академнашр”, 2012.
38. Нурмонов А. Таңланган асарлар. III жилдлик. III жилд. –Т.: “Академнашр”. 2012.
39. Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси. –Т.: “Академнашр”, 2011.
40. Rahimov A. Kompyuter lingvistikasi. – T.: “Akademnashr”, 2011.
41. Ҳакимов М., Зокиров М. ва б. Тил назарияси ва амалиёти. – Фарғона, 2016. – 204 6.

#### **IV. Интернет сайтлар**

42. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:  
[www.edu.uz](http://www.edu.uz)
43. Бош илмий методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)  
[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
44. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
45. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
46. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
47. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
48. [www.literature.uz](http://www.literature.uz)
49. [www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)

**"ИШЛАВ ЧИКИЛАН":**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни кайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оғизигина ошигина этиш  
тадқиқотини мөтодик сирори

Директор

М.У.

Шоймардонов

2019 й.

**"КЕЛИНИЛАН":**

Кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини  
опиришини ташкил этиш хамда  
мувофиқлаштириш бошкармаси  
Бошкарма бошларни

Д.Т.Эсонбобоев

2019 й.

М.У.

Алишер Навоий мактабати Тошкент давлат  
ўзбек тили ва язашини университети

Ректор \_\_\_\_\_ Ш.С. Сирожиддинов  
2019 й.

М.У.

Алишер Навоий мактабати Тошкент давлат ўзбек тили ва язашини университети хузуридаги  
педагог кадрларни кайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оғизигина ошигина ишмок маркази

Директор \_\_\_\_\_ Г.М.Эгамбердиева

М.У.

2019 й.